

ЮНУСОВ Ҳайдарали

Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Халқаро муносабатлар ва ижтимоий фанлар
кафедраси доценти, юридик фанлар номзоди,
Давлат ва ҳуқуқ институти илмий ходими
e-mail: yunusovkm@gmail.com

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪРИФИЙ ИСЛОМ ДИПЛОМАТИЯСИ

ДИПЛОМАТИЯ ПРОСВЕТИТЕЛЬСКОГО ИСЛАМА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

ENLIGHTENING ISLAM DIPLOMACY OF THE NEW UZBEKISTAN

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистонда охириги йилларда диний-маърифий соҳада амалга оширилган ислохотларга назар ташланади. Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган маърифий ислом, Учинчи Ренессанс ва ёшлар ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро ташаббуслар баҳоланади. Муаллифга кўра, Янги Ўзбекистоннинг “маърифий ислом дипломатияси” илм-фан ва маданият соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтиради, Ўзбекистоннинг ислом халқаро ташкилотларидаги иштирокини фаоллаштиради, зиёрат туризмини ривожлантириши учун йўл очади.

Калит сўзлар: дипломатия, маърифий ислом, халқаро ҳамкорлик, диний бағрикенглик, Ислам Уйғониш даври, ренессанс, зиёрат туризми.

Аннотация: В данной статье рассматриваются реформы в религиозно-просветительской сфере, которые произошли в Узбекистане за последние годы. В нём оценены инициативы, выдвинутые Президентом Узбекистана в области просвещения ислама, Третьего Возрождения, и прав молодежи. По мнению автора, “дипломатия просветительского ислама” Нового Узбекистана укрепит международное сотрудничество в сфере науки и культуры,

активизирует его участие в исламских международных организациях, проложит путь к развитию паломнического туризма.

Ключевые слова: дипломатия, просветительский ислам, международное сотрудничество, религиозная толерантность, исламское возрождение, ренессанс, паломнический туризм.

Annotation: This article throws light on the reforms in spiritual religious sphere that have taken place in Uzbekistan in recent years. Initiatives put forward by the President of Uzbekistan in the field of the enlightening Islam, Third Renaissance, and international youth rights are evaluated. According to the author, the “enlightening Islam diplomacy” of New Uzbekistan will strengthen international cooperation in science and culture, intensify its participation in Islamic international organizations, pave the way for the development of pilgrimage tourism.

Keywords: diplomacy, enlightening Islam, international cooperation, religious tolerance, Islamic Renaissance, renaissance, pilgrimage tourism.

КИРИШ

Ислам маърифати жаҳон илм-фан ва маданиятининг бир бўлаги ва ажралмас қисмидир. Ислам дунёси ва тамаддуни, ислом давлатлари ва мусулмон мамлакатлари мавжуд экан, табиийки, халқаро алоқаларни юритишда ислом қадриятларини ўзида жо этувчи ислом омили бугун ва келажакда ҳам ўз аҳамияти сақлаб қолаверади.

Бугунги халқаро-ҳуқуқий тартибот ва халқаро муносабатлар тизимида ислом омили инкор этилмас аҳамиятга эга. У тобора жаҳон сиёсатида бевосита таъсир этувчи кучга айланиб бормокда. Дунёда мусулмонлар сонининг муттасил ошиб бораётганлиги асносида халқаро муносабатларда ислом омили янада кучлироқ намоён бўлмокда. Халқаро ҳукуматлараро ислом ташкилотларининг фаоллашуви баробарида халқаро ҳамкорликнинг кўлами янада кенгаймоқда. Ҳақиқий ислом – маърифий исломни глобал миқёсда тушуниш ва тарғиб қилишга бўлган ирода ва интилиш инсоният истиқболлини белгилаб берувчи омилар қаторида ислом омилини ҳам табиий равишда юзага чиқармокда.

Мамлакатимизда охириги йилларда диний эркинлик ва бағрикенгликни таъминлаш, ислом кадриятларини асраб-авайлаш ҳамда тарғиб қилиш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Ислom цивилизацияси маркази ва буюк алломаларимиз номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказлари барпо этилди, диний таълим олиш имкониятлари кенгайиб бормоқда. 2021 йил 5 июлда Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги қонуни қабул қилинди [1]. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг Қўшма қарорлари билан дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш соҳасида “Йўл харитаси” тасдиқланди.

Буларнинг барчаси давлатимиз ички сиёсатида ислом маърифий тарбия воситасига айланганидан дарак беради. Айни пайтда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг нуфузли халқаро минбарлардан янграган ташаббуслари ташқи сиёсатда ҳам мамлакат имижини халқаро миқёсда кўтаришга қаратилган “маърифий ислом дипломатияси” куртак боғлаётганидан дарак беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Янги Ўзбекистоннинг “маърифий ислом дипломатияси” исломнинг асл моҳиятини теран англаш йўлида бой илмий-маърифий меросимизни ўрганиш ва тарғиб қилиш орқали ёшларни ватанпарварлик ва миллий ғурур руҳида тарбиялаш ҳамда уларда диний ақидапарастлик ва экстремизмга қарши мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ҳақиқий ислом руҳидан умуминсоний тинчликка таҳдид солувчи диний мустабидлик ва терроризмга қарши глобал курашда маърифий восита сифатида фойдаланиш, инсон ҳуқуқлари ҳамда динлар ва эътиқодлар хилма-хиллигини ҳурматга қилишга асосланган ҳолда барча даражадаги тинчлик ва бағрикенглик маданиятини рағбатлантириш, илм-фан ва маданият соҳасида халқаро ҳамкорликни кучайтириш, исломий кадриятлар негизда Ўзбекистоннинг мусулмон дунёси билан алоқаларини ва ислом халқаро ташкилотларидаги иштирокини фаоллаштириш орқали мамлакат имижини халқаро сахнада юксалтириш, зиёрат туризмни ривожлантириш асносида мамлакат иқтисодиётини юксалтиришга қаратилган сайи-ҳаракатларни

ўзида мужассам этади. Янги Ўзбекистон “маърифий ислом дипломатияси”нинг асосий мақсад ва вазифалари қуйидаги йўналишларда намоён бўлади.

Биринчидан, Янги Ўзбекистоннинг “маърифий ислом дипломатияси” ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ва уларнинг ҳуқуқларини халқаро даражада ҳимоя қилиш воситасидир.

Ислom маънавий кадрият сифатида кўплаб халқларнинг миллий ўзлигидан жой олган. Хусусан, Ўзбекистон халқларининг тарихи, маданияти, илмий ва маънавий меросини ислом маърифатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2016 йилнинг 18-19 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ислom ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)нинг Ташқи ишлар вазирлари кенгаши (ТИВК) 43-сессиясининг очилиш маросимида қуйидаги фикрларини билдирган эди: “Азалий кадриятларимиз ва ахлоқий фазилатларни ўзида мужассам этган муқаддас динимизни асраш ва кадрлаш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир. Ислom – ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзотни эзгу амалларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади....

“Биз Самарқандда Имом Бухорий номидаги халқаро илмий-тадқиқот марказини, Тошкент шаҳрида эса Ислom цивилизацияси марказини барпо этмоқдамиз. Бу ишларни кимгадир кўз-кўз қилиш учун амалга ошираётганимиз йўқ. Мақсадимиз – ислом динининг ҳақиқий инсонпарварлик моҳиятини, маърифий исломни болаларимиз онгига сингдиришдир. Шу йўлда бизнинг буюк аجدодларимиз қандай улуг ишларни амалга оширганлари ҳақида улар ана шундай масканларга келиб ўзлари учун керакли, энг муҳим бўлган билим ва тасаввурларга эга бўлади. Энг асосийси, уларнинг қалбида бой тарихимиз, маданий меросимиз билан фахрланиш туйғуси камол топади” [2].

Ислomни англаш ва уни маънавий-маърифий кадрият сифатида инсонлар қалбига сингдириш, айниқса, ёшларга унинг ҳақиқий моҳиятини етказиш давлатимизнинг дин соҳасидаги сиёсатининг асосий мақсадидир. Бунинг замиридан ўзга дин ва эътиқодларга ҳурмат, бағрикенглик, тинч-тотувлик ва тараққиёт йўлида ҳамкорлик муждалари жой олган.

Ислоннинг асл моҳиятини теран англаш йўлида бой илмий-маърифий меросимизни чуқур ўрганиш бугунги кундаги энг долзарб вазифалардан биридир. Биринчидан, улуғ аجدодларимиз меросини ўрганиш, уларга дунё олимлари томонидан берилган юксак баҳони халқимиз, айниқса, ёшларимизга инновацион усуллар воситасида етказиш уларда миллий ғурур ва ифтихор туйғусини юксалтиради; иккинчидан, ёшларимизда аجدодлар илмий меросига ҳурмат, миллий-маънавий, диний-маърифий қадриятларга садоқат руҳини кучайтиради; ниҳоят, учинчидан, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Сараҳсий ва бошқа мутафаккирларимизнинг илмий-иждоий мероси негизида ислом динининг маърифий табиатини тарғиб қилиш ёшларимизнинг диний ақидапарастлик ва экстремизмга қарши мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлайди.

Ёшлар тарбияси ҳақида қайғуриш ва ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нафақат ички сиёсатнинг, балки Янги Ўзбекистон илгари сураётган ташқи сиёсатдаги “маърифий ислом дипломатияси”нинг яна бир қирраси сифатида намоён бўлади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 18 сентябрь куни БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги БМТ конвенциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурган эди. Мазкур лойиҳа 2019 йил 7-8 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган Ислон ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) Инсон ҳуқуқлари бўйича мустақил доимий комиссиясининг “Тинчликсевар демократик жамиятлар ва барқарор ривожланишни барпо этишда ёшлар ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилишнинг аҳамияти” мавзусидаги олтинчи халқаро семинари иштирокчиларига муҳокама учун тақдим этилди. Унинг якуний ҳужжати сифатида “Ислон ҳамкорлик ташкилотига аъзо мамлакатларда ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида”ги Тошкент декларацияси қабул қилинди [3] ва унда ёшлар ҳуқуқлари бўйича БМТ халқаро конвенциясини қабул қилишнинг зарурати ва аҳамияти алоҳида таъкидланди.

2020 йил 23 сентябрь куни бўлиб ўтган БМТ Бош ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон Президенти халқаро ҳамжамиятни БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини қабул қилиш борасидаги

Ўзбекистон ташаббусини қўллаб-қувватлашга чақирди.

2021 йил 22 февралда Шавкат Мирзиёев БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг 46-сессиясида нутқ сўзлаб, ёшлар ҳуқуқларини халқаро миқёсда ҳимоя қилишга яна бир бор эътибор қаратди. Давлатимиз раҳбари Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашга ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгашининг ўнинчи форумида Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция лойиҳасини тақдим этиш, Ёшлар ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачи институтини таъсис этиш таклифларини илгари сурди.

Бундан ташқари, 2019 йилнинг 6-7 ноябрь кунлари Жидда шаҳрида (Саудия Арабистони) Ислон ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ)нинг Инсон ҳуқуқлари бўйича декларацияси лойиҳасини муҳокама қилиш бўйича ҳукуматлараро ишчи гуруҳининг учинчи йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикасининг Инсон ҳуқуқлари миллий маркази делегацияси мазкур декларация лойиҳасининг муҳокамасида фаол иштирок этди. Ўзбекистон ташаббуси билан лойиҳага ёшлар ҳуқуқлари бўйича тегишли нормалар киритилди. Бир сўз билан айтганда, охириги йилларда Ўзбекистон том маънода ёшлар ҳуқуқларининг халқаро даражадаги тарғиботчиси ва хомийси сифатида намоён бўлмоқда.

Иккинчидан, исломни тўғри тушуниш ва талқин этиш орқали дунёда тинчликни қарор топтириш Янги Ўзбекистон “маърифий ислом дипломатияси”нинг яна бир йўналишидир.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йилнинг 12 декабрида ўтказилган ялпи мажлисида Ўзбекистон томонидан ишлаб чиқилган “Маърифат ва диний бағрикенглик” номли резолюция лойиҳаси БМТнинг барча аъзо давлатлари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди. Мазкур ҳужжатни қабул қилиш ташаббуси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2017 йил сентябрь ойида бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг Нью-Йоркдаги 72-сессиясида илгари сурилган эди. Резолюцияда БМТнинг барча аъзо давлатлари инсон ҳуқуқлари ҳамда динлар ва эътиқодлар хилма-хиллигини ҳурматга қилишга асосланган ҳолда барча даражадаги тинчлик ва бағрикенглик маданиятини рағбатлантириш йўлида глобал мулоқотни мустаҳкамлаш учун халқаро сайи-ҳаракатларни кучайтиришга чақирилади [4]. Шу

тариқа, Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси асосида қабул қилинган ушбу ҳужжат турли динларга мансуб жаҳон халқлари ўртасида маърифий бағрикенглик ва тинчлик маданиятини кучайтиришга хизмат қилмоқда. Янги Ўзбекистоннинг “маърифий ислом дипломатияси” замирида, шубҳасиз, умуминсоний тинчликка таҳдид солувчи диний мустабидлик ва терроризмга қарши глобал кураш моҳияти ётади. Унинг мазмун-моҳияти ўзида халқаро тинчликни қарор топтириш мақсадини мужассам этади.

Учинчидан, Янги Ўзбекистоннинг “маърифий ислом дипломатияси” илм-фан, маданият ва маърифатни юксалтиради, халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт учун йўл очади.

Бугунги кунда ислом шарқ мамлакатларининг ривожланиши, сиёсати ва мафқурасида муҳим аҳамият касб этишда давом этмоқда. Бироқ, ислом аввало, ўз моҳиятига кўра, илм-фан ва маданият пешвосидир.

Ислом халқаро ташкилотлари, хусусан, мусулмон мамлакатларининг энг йирик уюшмаси бўлмиш Ислом халқаро ташкилоти (ИХТ)нинг фаолиятида илм-фан ва маданият соҳасидаги ҳамкорлик устувор йўналиш ҳисобланади. Шу мақсадда 2017 йилнинг 9-10 октябрь кунлари Қозоғистоннинг Остона шаҳрида ИХТнинг “Илм, фан ва технологиялар” номли биринчи саммити ташкил этилган. Унда нутқ сўзлаган Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев илм-фан ва технологиялар соҳасида мусулмон мамлакатлари орқада қолаётганини ҳақли равишда қайд этган эди: “Масалан, дунёнинг 500 та энг яхши университетлари рейтинги ИХТ ташкилотига аъзо мамлакатлардаги атиги 11 та университетни ўз ичига олади. 2015 йилда дунё бўйича ИХТ мамлакатларидан патент талабномаларининг улуши атиги 1,9 фоизни ташкил этди. Шу билан бирга, 2016 йилда ИХТ давлатларидаги илмий нашрларнинг 80 фоизга яқини ташкилотга аъзо 7 давлат ҳиссасига тўғри келди” [5]. Шунингдек, саммитда фундаментал илм-фанни ривожлантириш ва замонамизнинг энг муҳим муаммоларига илмий ечим излашга қаратилган ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши Ислом дунёсининг илмий-технологик салоҳиятини оширишга мустаҳкам замин яратиши таъкидлаб ўтилган эди.

2016 йилнинг 18-19 октябрь кунлари ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши (ТИБК)нинг “Таълим ва маърифат – тинчлик

ва бунёдкорлик сари йўл” шиори остида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 43-сессиясида Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ИХТда Ўзбекистон раислигининг устувор йўналишларини белгилаб берди. Шунингдек, Давлатимиз раҳбарининг ушбу сессияда илгари сурган ташаббуслари асосида юртимизда Имом Бухорий халқаро тадқиқотлар маркази ташкил этилди, Ўзбекистон халқаро ислом академияси қошида ISESCO кафедраси ўз фаолиятини бошлади, мазкур академия ISESCO Ислом дунёси университетлари федерациясига аъзо бўлди.

Ислом ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатларнинг Маданият вазирлари томонидан 2020 йил Бухоро шаҳри “ислом маданияти пойтахти” деб эълон қилинди. 2020 йилда бутун дунё пандемия шароитини ҳисобга олган ҳолда ушбу сана билан боғлиқ тадбирлар онлайн тарзда амалга оширилди. Буларнинг барчаси илм-фан ва маданият соҳасида Янги Ўзбекистон “маърифий ислом дипломатияси”нинг дастлабки ютуқлари сифатида баҳоланиши мумкин.

Тўртинчидан, Янги Ўзбекистоннинг “маърифий ислом дипломатияси” мамлакатимизнинг араб дунёси билан алоқаларини кучайтиради ва ислом халқаро ташкилотларидаги иштирокини фаоллаштиради.

Ўзбекистон Республикасининг араб мамлакатлари ва ислом халқаро ташкилотлари билан алоқалари давлатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ҳозирги кунда “ислом халқаро ташкилотлари оиласи”га Араб давлатлари лигаси, Тараққиётга кўмаклашувчи Ислом бирдамлик жамғармаси, Атроф-муҳит вазирликлари конференцияси, Гуманитар ишлар соҳасида ислом конференцияси, Нефть экспорт қилувчи араб мамлакатлари ташкилоти, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Ислом банклари халқаро уюшмаси, Форс кўрфази араб давлатларининг ҳамкорлик кенгаши ва бошқалар киради [6:3-4].

Ислом халқаро ташкилотлари мусулмон давлатлари ва мамлакатларининг исломий диний қадриятлар асосида таъсис этилган уюшмаларидир. Улар ҳозирги замон халқаро алоқалар тизимида инкор этилмас роль ўйнамоқда. Ислом халқаро ташкилотлари халқаро ҳуқуқнинг нисбатан ёш ва динамик субъектлари ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг ислом халқаро ташкилотлари доирасида мусулмон мамлакатлари, айниқса, араб давлатлари билан алоқаларида исломий қадриятлар муҳим аҳамият касб этади. Умумий қадриятлар негизида улар билан сармоялар, савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт ва инновацион технологиялар, фан ва маданият ҳамда туризм соҳаларида икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш миллий манфаатларимизга тўлиқ мос келади.

Ўзбекистон Ислом ҳамкорлик ташкилотига кузатувчи сифатида 1995 йилнинг октябрь ойида қабул қилинган бўлиб, 1996 йил 2 октябрда ташкилотнинг тўла ҳуқуқли аъзосига айланди. Республикамиз ИХТнинг янги Уставини 2015 йилнинг 14 декабрида имзолади ва 2016 йилнинг апрелида ратификация қилди. ИХТ Уставининг 10-моддасига мувофиқ, йилда бир марта аъзо давлатларда ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши ўтказилади. Шу асосда Ўзбекистон 2016 йилнинг 18-19 октябрь кунлари ИХТ Ташқи ишлар вазирлари кенгаши (ТИВК)нинг “Таълим ва маърифат – тинчлик ва бунёдкорлик сари йўл” шиори остида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган 43-сессиясига мезбонлик қилди. Сессия якунига кўра 118 та ҳужжат ва Тошкент декларацияси имзоланди.

Ўзбекистоннинг Ислом тараққиёт банки (ИТБ) доирасидаги ҳамкорлиги ҳам жадал ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси мазкур халқаро ташкилотга 2003 йилда тўлақонли аъзо бўлиб кирган. ИТБнинг Ўзбекистондаги фаолиятининг асосий йўналишлари йирик инфратузилма ва иқтисодиётнинг стратегик тармоқларида ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни молиялаштиришдир. 2018 йилнинг 18 сентябрь кuni Ислом тараққиёт банки ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида 2018-2021 йиллар давомида 1,3 млрд. АҚШ доллари ажратилиши кўзда тутилган Ҳамкорлик стратегияси имзоланган [7:16].

Ўзбекистоннинг ИТБ билан ҳамкорлиги Араб мувофиқлаштирувчи гуруҳи доирасида ҳам амалга оширилмоқда. Араб мувофиқлаштирувчи гуруҳи таркибига Ислом тараққиёт банки, Саудия тараққиёт жамғармаси, Кувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси, ОПЕКнинг Халқаро тараққиёт жамғармаси, Абу Даби тараққиёт жамғармаси киради. Мазкур ташкилотларнинг ўзаро уйғунликда бир нуқтада фаолият юритиши ва давлатлар билан

турли соҳаларда ҳамкорликни амалга ошириши самарали ҳамкорликни юзага келтиради.

Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Ҳаракатлар режаси (“Йўл харитаси”) тасдиқланган [8]. Мазкур “Йўл харитаси”га мувофиқ Ўзбекистон билан ИТБ ўртасида жами 2 млрд. АҚШ долларида ортиқ инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган.

Форс кўрфази минтақасида жойлашган йирик араб давлатлари – Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Кувайт, Қатар, Ўмон Султонлиги ва Баҳрайнни ўз ичига олган Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши (The Cooperation Council for the Arab States of the Gulf). Ўзбекистон Республикасининг мазкур кенгашнинг ҳар бир аъзо давлати билан алоқалари кундан-кунга ривож топиб бормоқда. 2023 йилнинг 18-19 июль кунлари Саудия Арабистонида бўлиб ўтган “Марказий Осиё + Форс кўрфази араб давлатлари ҳамкорлик кенгаши”нинг биринчи саммити форматидаги минтақалараро ҳамкорлик мулоқотларида ҳам Ўзбекистоннинг иштироки фаоллашмоқда.

Бешинчидан, Янги Ўзбекистоннинг “маърифий ислом дипломатияси” зиёрат туризмини ривожлантириш учун йўл очади, мамлакатимиз иқтисодига катта даромад келтиради.

Туризм жаҳон иқтисодиётида тез ривожланаётган тармоқлардан бири бўлиб, XXI асрнинг энг даромадли соҳасига айланмоқда. Ҳозир у дунё бўйича автомобилсозлик ва нефтьни қайта ишлаш соҳасидан кейин учинчи ўринни эгаллайди. Туризм, айти пайтда, транспорт, озиқ-овқат, меҳмонхона, савдо-сотик, хунармандчилик, қурилиш ва бошқа хизмат турларини ҳам ривожланишига туртки беради.

Туризм нафақат иқтисодий ривожланиш ҳамда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ортишига, балки аҳоли бандлигини таъминлаш, турмуш даражаси ва сифатини ошириш, юрт фаровонлиги ва тараққиётининг юксалишига ҳам катта таъсир кўрсатади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, сўнгги беш йил ичида барча глобал иш ўринларининг 5 тадан биттаси айнан туризм соҳасида яратилган. Кейинги 10 йил ичида дунё бўйича туризм соҳасида 100

миллион қўшимча иш жойлари яратилиши кутилмоқда. Бу кейинги ўн йилликда ҳар тўртта янги иш жойидан биттаси туризм сектори томонидан яратилишини англатади. Туризм соҳасидаги ишлар айниқса аёллар, ёшлар ва жамиятнинг бошқа имкониятлари чекланган қатламлари бандлигини оширишга хизмат қилади. Туризм айрим мамлакатларда иш ўринларини яратишда асосий манба сифатида қаралмоқда. Грецияда яратилган барча янги иш ўринларининг 71 фоизи, Португалияда – 60 фоизи ва БААда – 47 фоизи мана шу сектор хиссасига тўғри келмоқда [9:21-28].

Бугунги кунда қадимий обидалар, тарихий ва маданий ёдгорликлар билан бир қаторда, бетакрор маданияти ва анъаналари, хушманзара табиати ҳамда файзли гўшалари билан сайёҳларни ўзига жалб этаётган Ўзбекистоннинг туризм индустрияси ҳамда инфратузилмаси янада ривожланмоқда. Жаҳон саёҳат ва туризм кенгаши (WTTC) томонидан туризм саноатининг иқтисодий натижалари бўйича ўтказилган тадқиқотларда Ўзбекистон туризм соҳаси жадал тараққий топаётган беш давлатнинг бири сифатида қайд этилган. 2025 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонга ташриф буюрадиган хорижий сайёҳларнинг сонини 9.089,3 минг кишига етказиш (2019 йилда 6.750 минг кишини ташкил этган), туристик хизматлар экспортининг ҳажмини 2025 йилда 2.232,8 миллион АҚШ доллариға етказиш (2019 йилда 1.313 миллион АҚШ долларини ташкил этган) кўзда тутилган.

Мамлакатимизда туризмни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратишга қаратилган халқаро меъёр ва стандартларни жорий қилиш, туризм инфратузилмасини замонавийлаштириш, юртимизнинг саёҳат ва дам олиш учун хавфсиз ҳудуд сифатидаги имижини мустаҳкамлаш ҳамда туризм тармоғи учун кадрлар тайёрлаш мақсадида 2019 йил 5 январда 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси [10] ҳамда 2019 йил 18 июль куни “Туризм тўғрисида”ги янги қонун [11] қабул қилинган.

Зиёрат туризми энг қадимги ҳамда анъанавий туристик йўналишлардан бири ҳисобланади. 2060 йилга келиб 3 миллиард инсон ўзини мусулмон, деб ҳисоблай бошлайди ва бу ер юзидаги ҳар учдан бир кишини ташкил этади. Мусулмон туризмнинг глобал иқтисодий даражаси 32 фоиздан 70 фоизгача

ўсади. Ҳозирги кунда зиёрат туризми соҳасида Индонезия, Туркия, Саудия Арабистони, БАА каби мусулмон мамлакатлари етакчи ўринларни эгаллайди.

Туризм соҳасида улкан салоҳиятга эга Ўзбекистон ўзининг қадимий обидалари ва муқаддас зиёратгоҳлари билан ҳам хорижий сайёҳларни ўзига ром этади. Маълумотларга кўра юртимиз ўзининг сайёҳлик салоҳияти бўйича дунёдаги етакчи ўнта мамлакат қаторида туради. Республикаимизда етти мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорликлар мавжуд бўлиб, улардан 200 таси ЮНЕСКОнинг бутунжаҳон маданий мероси рўйхатиға киритилган. Уларнинг аксарияти зиёрат туризми объектларидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев туризмни изчил ривожлантириш истикболларига бағишланган йиғилишда “Ўзбекистон ҳам саёҳат, ҳам зиёрат учун қулай мамлакат. Чунки она заминимизда бутун дунёға маълум ва машҳур бўлган аجدодларимиз мангу қўним топган. Улар қолдирган бой маънавий-маданий меросға халқаро майдонда қизиқиш жуда катта”, – деб таъкидлаган эди [12].

Ўзбекистон ислом оламида ўз тарихи билан юксак нуфузға эга. Мусулмон сайёҳларнинг Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотурудий зиёратгоҳларига ташриф буюриш истаклари доимо юқори бўлган. Қувейт, Қатар, Оман, Саудия Арабистони каби араб давлатлари, Индонезия, Малайзия, Туркия, Покистон, Эрон каби Осиё давлатларидан мусулмон сайёҳларнинг катта оқимини Ўзбекистонға жалб қилиш имкониятлари беқиёсдир. Янги Ўзбекистоннинг “маърифий ислом дипломатияси” айна шу вазифани амалға оширувчи энг қулай воситадир.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистоннинг дин соҳасидаги маърифий ислом ва диний бағрикенгликни рағбатлантиришға қаратилган ички сиёсатининг асосий қирралари унинг ташки сиёсатида ўз аксини топмоқда. Ўзбекистон Республикасининг маърифий ислом ва диний бағрикенглик соҳасидаги халқаро ташаббуслари жаҳон ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Янги Ўзбекистон “маърифий ислом дипломатияси”нинг аҳамияти қуйидагиларда намоён бўлади:

биринчидан, Янги Ўзбекистоннинг “маърифий ислом дипломатияси” ёшларни миллий ва диний кадриятларимизга содиқлик ҳамда бой тарихий меросимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш воситаси сифатида хизмат қилмоқда. Айни пайтда, у Ўзбекистоннинг халқаро микёсда ёшлар ҳуқуқлари ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро-ҳуқуқий ташаббусларни илгари суришига имкон бермоқда;

иккинчидан, Янги Ўзбекистоннинг “маърифий ислом дипломатияси” замирида умуминсоний тинчликка таҳдид солувчи диний мустабидлик ва терроризмга қарши глобал кураш моҳияти ётади ва у халқаро тинчликни қарор топтириш мақсадини ўзида мужассам этади;

учинчидан, Ўзбекистон Президенти томонидан илгари сурилган Учинчи Ренессанс ғояси Янги Ўзбекистон “маърифий ислом дипломатияси”нинг таркибий қисми сифатида Марказий Осиёни бирлаштирувчи омил бўлиб хизмат қилиши мумкин. Биринчи Ренессанс – “Ислом Уйғониш даври” Мовароуннаҳрда муваффақият билан минтақавий кўлам касб этган экан, Учинчи Ренессанс шиори ҳам минтақавий юксалиш ташаббусига айланиб боради;

тўртинчидан, ислом ўз моҳиятига кўра илм-фан ҳомийсидир. “Маърифий ислом дипломатияси” илм-фан ва маданият соҳасида халқаро ҳамкорлик ва тараққиёт учун йўл очади, нафақат ислом оламида, балки бутун дунёда маърифатни юксалтириш учун хизмат қилади;

бешинчидан, Янги Ўзбекистоннинг “маърифий ислом дипломатияси” умумий исломий кадриятлар негизида Ўзбекистоннинг араб дунёси билан алоқаларини кучайтиради ва ислом халқаро ташкилотларидаги иштирокини фаоллаштиради;

олтинчидан, Янги Ўзбекистоннинг “маърифий ислом дипломатияси” исломий маданий обидалар юрти бўлмиш Ўзбекистонда зиёрат туризмнинг ривожланиши учун кенг имкониятлар эшигини очади. Натижада мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти юксалади, халқимизнинг фаровонлиги ошади, ислом дунёсида мамлакатимизнинг нуфузи ортади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги

2021 йил 5 июлдаги 699-сон Қонуни: <https://lex.uz/docs/5491534>

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti vazifasini bajaruvchi Shavkat Mirziyoyevning Islom hamkorlik tashkiloti Tashqi ishlar vazirlari kengashi 43-sessiyasining ochilish marosimidagi nutqi: <https://uza.uz/oz/posts/o-zbekiston-respublikasi-prezidenti-vazifasini-bajaruvchi-sh-18-10-2016>.
3. Ахмадов О. Ўзбекистон ва ИХТ: серкippa муносабатларнинг ҳамда инсон ҳуқуқлари соҳасидаги ҳамкорликнинг ривожланиш тенденциялари / Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. Илмий-маърифий журнал. – Тошкент: 2021. – №.4 (92). – Б.35.
4. Resolution adopted by the General Assembly on 12 December 2018. 73/128. Enlightenment and religious tolerance: <https://undocs.org/en/A/RES/73/128>.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ислом ҳамкорлик ташкилотининг фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитидаги нутқи // Манба: <http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-islo-10-09-2017>
6. Leslie A. Pal & M.Evren Tok. Global Governance and Muslim Organizations. – Palgrave Macmillan, 2019. – 722 pp. – P. 3-4.
7. Мирҳамидова М. Ўзбекистон Республикасининг Форс кўрфази мамлакатлари билан халқаро-ҳуқуқий муносабатларининг ривожланиши // Юридик фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. – Т.: ЖИДУ, 2021. – Б.16.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 428-сон қарори, 23.05.2019 й.: <https://lex.uz/docs/4351726>
9. Асаджанов А.А., Гульмуродов И.М. Жаҳон иқтисодиётида зиёрат туризми: хусусиятлари ва ривожланиш тенденциялари //Иқтисод ва молия / Экономика и финансы 2020, 2(134). – Б. 21-28.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5611-сонли Фармонида 1-илова: <https://lex.uz/docs/4143188>
11. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 18 июлдаги “Туризм тўғрисида”ги ЎРҚ-549-сон Қонуни: <https://www.lex.uz/docs/4428097>
12. Туризмни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди: <https://uza.uz/uz/posts/turizmni-yanada-rivozhlantirish-masalalari-mu-okama-ilindi-03-10-2017>